



## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АФОРИЗМЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Камолова Иқбола,  
СамДЧТИ магистранти*

**Калит сўзлар:** афоризм, мақол, матал, анъана, эпослар, урф-одат, миллий қадриятлар.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда миллий ўзликни англаш жараёни нихоятда жўшқин равишда кучайиб бораётир. Ана шундай жараёнда миллий ўзликни англашда бузилишларга олиб келаётган сабабларни, омилларни аниқлаб, ана шу жараёнларга ижобий таъсир ўтказиш йўллари белгилаш, миллийлик ва байналмилаллик уйғун бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Биринчи Президентимиз И.А.Каримов "... биз тарихий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз зарур", [1: 128] деб қайд этади.

Бугунги кунда жаҳон таржимашунослигида мумтоз адабиётлар таржимасини қайта яратиш, фразеологик бирлик, мақол, матал ва афоризмларнинг миллий-маданий хусусиятларини бадиий таржимада акс эттириш муаммолари ва таржима адекватлигига эришиш, таржиманинг замонавий ёндашувлари асосида когнитив-концептуал, структур-семантик, компонент таҳлиллари сингари устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида, мамлакатимизда аждодлар меросини асраб-авайлаш, миллий ўзликни қайта тиклаш ва бадиий ёдгорликларни янгича нуқтаи назар билан ўрганиш жиддий тус олди. Ўзбек олимларининг кўплаб илмий тадқиқотлари натижасида кўлланма ва монографиялар, илмий нашрлар сони ортиб борди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар

стратегияси»нинг «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» ва «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» тўғрисидаги ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, миллий ифтихор, ватанга садоқат ҳиссини шакллантириш айна пайтдаги давр талабидир (2. №28). Адабий-тарихий манбаларни ўрганиш, миллатнинг ўзига хос миллий-маданий қадриятларини таржимада адекват тарзда акс эттириш янада долзарб. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017-2021 йилларда ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур илмий мақола муайян даражада амалий аҳамият касб этади.

Асрлар бўйи яратилиб, зукко халқнинг юксак ижодий салоҳияти туфайли сайқалланиб келган ана шундай анъаналар аслида ўша миллатнинг ўзлигини, менталитетини, миллий қиёфасини белгилайди. Зеро, бундан бир неча минг йиллар муқаддам Зарауткамар ва Сармишсой қоятошларига ғаройиб сурат ва чизгиларни муҳрлаб, асрлар давомида кўнгилдай поёнсиз ватанимизнинг барча сўлим гўшаларида "Алпомиш", "Тўрўғли" сингари буюк эпосларни куйлаб келган зукко аждодларимиз бамисоли бадиий тафаккур сарчашмасидаги инжуларга қиёс қилса



арзигулик бой маданий меросни яратишган.

Халқимиз анъаналарининг гўзаллиги ва бетакрорлигини ҳис этиш учун биргина бугунги кунни ўтказиб, эртаги кунни ўйлаш маданияти билан алоқадор ҳикматли сўзларни мисол тариқасида қарайдиган бўлсак:

**Табиатда бекорчи нарсалар бўлишининг ўзи бўлмаган нарсадир. Бугуннинг чорасини кўриб эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақлдилар. Одамгарчилиги бор мард киши ўздан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсдан бошқасига эгаллик қилмайди. Неъматнинг қадри у йўқолгандагина билинади.**

Асрлар синовидан ўтиб, асл қадрият даражасига кўтарилган ана шу ҳикматли сўзлар халқимизнинг урф-одатлари, анъаналарининг дебочаси ҳисобланган. Биздан олдин ўтган аجدодларимиз, шоиру алломаларимизнинг китобларини варақлар эканмиз бундай ҳикматли сўзларнинг санаб адоғига етиш қийин.

Хуллас, ижодкор халқимизнинг инсонларнинг феъл-атвори, уларнинг ҳаёт тарзи, яхшилик ва ёмонлик билан боғлиқ бундай ҳикматли сўзлари ғоят кўп. **Миллий қадриятлар, анъаналар замонлар оша ривожланиб ва бу жараёнда турли ўзгаришларга учраганлиги, айрим урф-одат ва расм-русумлар унутилиб, янгилари яратилиб, халқимизнинг беназир ижодий салоҳияти туфайли сайқалланиб келганлиги табиий. Лекин ҳамма даврларда ҳам миллий қадриятларга муносабат бир хилда бўлмаган. Масалан, ўтган асрнинг мафкуравий тазйиқлари оқибатида минг йиллар давомида элимизнинг эзгу дамларига эш бўлиб келган не-не қадриятларимиз қатағонга учрамади дейсиз. Мана шу таъқиб ва тазйиқлардан ҳозир биз таъкидлаётган миллий анъаналаримиз, халқимизнинг тиллардан тилларга ўтиб келаётган ҳикматли сўзлари қай тариқа омон чикди? Яъни, анъаналаримиз ва улар билан биргаликда халқимиз ардоқлаб**

**келаётган йиллар давомида сайқалланиб ўз кучини кўрсатиб келган ҳикматларимизнинг барчасини сақлаб қололдикми? Айрим удумларимиз ёки расм-русумларимиз, дилбар кўшиқларимиз, халқимизнинг ҳикматли сўзлари унутилиб, тарихга айланмадимми? Бугун-чи, бугун миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш жараёнида қайсидир анъаналаримизни эсдан чиқариб қўймадикми? Бу саволларни биз ушбу мақоланинг асоси деб ҳисобладик ҳамда унга қуйидаги таърифни келтиришни жоиз топдик.**

**Афоризмлар – муаллиф томонидан ёзилган, халқ ижодида ўз моҳиятига кўра, ҳаммаша янгиланиб, яшариб, такомиллашиб, узлуксиз ривожланиб борадиган жараён ҳисобланади.**

Бундан минг йиллар бурун яратилиб, ҳозирга қадар ҳеч бир ўзгаришсиз, “соф ҳолида” етиб келган улуғ бобокалонимиз, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг қуйидаги ҳикматлари худди бугунги кун учун айтилгандек гўё: Илм инсон вужудининг хушманзара боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгиллик ҳодисалар тўла денгиздаги кишилик кемасининг лангари деса бўлади ва инсоният қадрини ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштира ҳам бўлади. Илм ахлоқи одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир. У ёмон нафсни дайди шамол учиршидан асрагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчи. Илм натижасида одам халойиқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлади; Илм туфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишади. Катта кишилар ёшларни масхара ва кулги қилса, улар қошида ўзи шунча обрўсиз ва бачкана туюлади; ёшлар ҳам катталарга нисбатан ҳазил ва енгилтаклик қилса, унинг қошида уятсиз ва эътиборсиз бўлади. Бу давр боғининг хас-хашак сингари одамлари шамолдек бетайин, енгилтак кишилари олдида илм аҳли гўё оғир табиатли ва ёмон феълли, деб камситилади. Уларнинг



Ўзлари эса қуюндек тупрокни ҳавога тўзитадилар ва енгил табиатликлари билан бошларини гўё кўкка етказадилар. Тоғ жуссасини оёқ ости қилмоқ - одатлари; дала-даштлардаги зарраларни ҳавога совурмоқ - буларнинг салобатлари. Бундай одамлар елдек ҳар эшикдан киришга ор қилмайди; ўтдек оташдонни қиздиришдан ўзга ишни билмайди. Ел - гарчи лоланинг тожини учиради, аммо тоғ қоялари камарига қандай таъсир қила олади? Ўт тоғ этагидаги хас-хашакларни куйдириши мумкин, лекин куёш учқунига қандай тенглаша олади? Ел, агар кўкка етса ҳам, барибир енгил ва қадрсиз; тоғ агар тупроққа ботса ҳам салобатлидир. Елнинг орасида ўтга ёқиладиган хас-хашаклар бор; илм мазмунида эса шоҳ тожига қадалгудек чўғ каби қизил лаъл бор.

Юқоридаги ҳикматлар ўзининг асрий тараққиёти мобайнида халқимизнинг миллий қиёфаси тимсолига айланган, улар доимий равишда янгиланиб, тўлишиб, тобора гўзаллашиб ва бойиб келган.

Афоризмларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – тарбия воситаси эканлиги билан белгиланади. Халқимиз томонидан яратилган ривоятлар, маталлар, ҳикматли сўзлар масалан, Амир Темур, Алишер Навоий сингари буюк боболаримизнинг эзгу ишлари ҳақидаги ривоятлар, тарихий кўшиқлар, тарихий дostonлар, мақол ва ҳикматли сўзлар орқали ёш авлод дунёқараши шаклланади, тарихий қадриятларни эъзозлаш анъанаси камол топади, маънавий маданият юксакликка кўтарилади. Чунки бу асотирларда ўзига хос ғоя, мафкура яширинган. Албатта, ғоятда бой бадиий анъаналар маҳсули ҳисобланган халқ оғзаки ижодиёти, яъни халқимизнинг орзу-истаклари, эзгу ўйлари, ўзига хос турмуш тарзи ҳамда ахлоқий қарашлари мужассамлашган. Шунинг учун ҳам ҳикматли сўзлар, маталлар, урф-одат, анъана ва маросимлар халқимизнинг маънавий қиёфасини кўрсатувчи кўзгугина эмас, балки миллий тарбиянинг муҳим ва қудратли воситаларидан бири ҳамдир. Чунки бизга ажодларимиздан мерос

бўлиб келаётган ҳар бир дoston, ҳар бир кўшиқ, ҳар бир мақол, ҳикматли сўз ёки ривоятда халқимизнинг ўзига хос миллий қиёфаси, орзу-интилишлари, эзгу мақсадини ифодаловчи ғоялар ўз ифодасини топган. Биз юқорида Амир Темур, Алишер Навоий сингари буюк бобокалонларимизнинг муборак номларини тилга олганимизда халқимиз орасида нақл қилинадиган пурмаъно ривоятларни ёдимизга олмасликнинг иложи йўқ, албатта. Дарҳақиқат, ўзбек халқ оғзаки ижодиётида юртимизнинг шонли тарихи, илмий ва маънавий қадриятларининг яратилишига улкан ҳисса қўшган улуғ сиймолар ҳаёти ва эзгу ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи ривоятлар жуда кўп. Биламизки, ҳар қандай тарихий шахс ҳақида ҳам ривоят ёхуд афсона яратилмайди. Ўзининг бутун умрини эл-юрт равнақи, она-Ватан осойишталиги, диёримизнинг гуллаб-яшнашига бахшида этган буюк зотларнинг номигина халқимиз дилида, ҳикматларида муҳрланиб, боқийликка дахлдор сиймоларга айланади. Зеро, ривоятларда, ҳикматларда халқимизнинг қон-жонига сингиб кетган яратувчилик ва бунёдкорлик ғоялари ўз бадиий ифодасини топган. Бугунги кунда биз юксак технологиялар замонида, илмий тафаккур ғоят тараққий этган бир даврда яшамоқдамиз. Яъни, глобаллашув жараёни ҳаётимизга қанчалик чуқур кириб борар экан, мафкуранинг аҳамияти ҳам шу қадар ошиб бораверади. Ҳикматли сўзлар, маталлар, мақоллар ўз моҳиятига кўра миллий мафкурани шакллантирувчи қадриятлардан бири экан, улар глобаллашув жараёни кундан-кунга авж олиб, техника тараққиёти мислсиз даражада ўсиб бораётган ҳозирги даврда ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини сира камайтирмайди. Чунки ҳикматлар – халқнинг бугунги куни ҳақида сўзлагани ва эскирмаганлиги учун у инсоннинг моҳиятида, руҳиятида яшайди. Бу руҳият мудроқ бўлиши мумкин, уни уйғотиш учун эса Алишер Навоий хазратларининг куйидаги мисраларини;

Агар ҳикматга бўлса илтифотинг -



Ки, бўлсун Нух умрича хаётинг (1.650) дея қилинган мурожаатини эслатмоқ кифоядир. Зеро, асрлар бўйи яратилиб, халқимизнинг улкан ижодий даҳоси туфайли сайқал топиб, гўзаллашиб келган ҳикматлар, сўз гавҳарларидан шодалар тизган чечан бахшиларга илҳом берган дostonлар, ўзида ажодларимизнинг пурмаъно ҳикматларини мужассамлаштирган мақол, матал ва ҳикматли сўзлар, хаёлот оламининг сирли мўъжизаларидан сўйлагувчи эртақлар моҳиятини англаган ҳар қандай киши аввало ўзлигини англайди.

Афоризмларни биз кўплаб чет эл адибларининг асарларида ҳам учратишимиз мумкин, шулар жумласига инглиз ёзувчиси **Sir Francis Bacon**нинг қуйидаги фикрларига қўшилган ҳолда, яъни афоризм ўзининг бир киши томонидан ёзилиб, кишилиқ жамятида ўз исботини топган фикрларининг эскириб қолмаслиги билан устунлик қилади. Бунга **Sir Francis Bacon**нинг қуйидаги афоризмларини мисол тариқасида кўрсатамиз:

“Тадқиқотлар завқ, безак ва қобилият учун хизмат қилади”. (Тадқиқотлар) **“Studies serve for delight, for ornament and for ability.” (Of Studies)**

“Ишга киришишдан олдин кўп вазиятларни кўллаш ахлоқликдир”. (Og'zidan)

**“To use too many circumstances, ere one come to the matter, is wearisome, to use none at all, is Blunt.” (3,79).**

Афоризмлардан яна бир мисолни **Harper Lee** томонидан “Мушкул бир қушни ўлдириш” (**To Kill a Mocking Bird**) асарининг бир бўлимида кўриш мумкин. Atticus Finch қизига:

“Токи сен бирон фикрни унинг нуқтаи назаридан ўйламагунингча ёки унинг ичига кириб, атрофида юрмаганингча ҳеч нарсани англамайсан”

**“You never really understand a person until you consider things from his point of view – until you climb into his skin and walk around in it.” (4,35)**

Юқорида келтирилган фикрда ҳақиқат бор, чунки биз дунёни ва унинг ишларини кўрганимиздагина инсонни ҳукм қилишни даъво қила олмаймиз.

Қуйида биз инглиз ва ўзбек тилларида учрайдиган муқобил афоризмлардан айримларини келтириб ўтаемиз;

**ингл:** *As you sow, you shall mow;*

**ўзб:** *Ҳар ким экканини ўрап;*

**ингл:** *Don't count your chickens before they are hatched;*

**ўзб:** *Жўжани кузда сана;*

**ингл:** *When the cat is away, the mice will play.*

**ўзб:** *Арслоннинг ўлиги - сичқоннинг тириги;*

**ингл:** *A cat in gloves catches no mice;*

**ўзб:** *Ер қазимасанг олтин чиқмас, қармоқ солмасанг - балиқ.*

**ингл:** *Hunger drives the wolf out of the wood.*

**ўзб:** *Бўрини оёғи боқади.*

**ингл:** *Two dogs over one bone seldom agree.*

**ўзб:** *Икки қўчқорнинг боши битта қозонда қайнамас.*

**ингл:** *If you run after two hares, you'll catch none.*

**ўзб:** *Икки қуённи қувган - бирисини ҳам тутолмас (Ёки: Икки кеманинг бошини ушлаган зарқ бўлар).*

Ушбу ҳикматли сўзларнинг семантик маъноси бир хил бўлса-да, лекин ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналаридан келиб чиқиб яратилган. Уларда миллий маданиятдан келиб чиққан ҳолда ўша лингвомаданият учун долзарб бўлган образлар қўлланилади. Масалан, қуйидаги ҳикматли сўзларни кўриб чиқамиз: **ингл:** *Two dogs over one bone seldom agree.* **ўзб:** *Икки қўчқорнинг боши битта қозонда қайнамас.*

Бу ҳикматларнинг мазмуний маъноси бир хил, яъни улар иккита бир хил одам бир-бири билан битта жойда сиғишмайди, деган маънони ифода қилади. Аммо инглиз мақолида “dog” образи, ўзбек тилида “қўчқор” образи ишлатилган.

Маълумки, инглиз лингвомаданиятида, уй ҳайвонлари, жумладан, ит алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар



бир ўзини ҳурмат қиладиган хонадон ўз итига эга. Баъзи инглизлар бир неча итларни ҳам сақлаши мумкин. Итлар оиланинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ҳар қандай ҳолатда тенг ҳуқуқли дўст сифатида қаралади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, яшаш муҳити, фикр ва мулоҳазаларни қабул қилиб идрок этиши унинг тилида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир халқ яшаётган жойининг табиати, у халқнинг иқтисодий тузуми, оғзаки ижодиёти, бадий

адабиёти, санъати, фани, урф-одатини ўзида акс эттириб, тўплаб, авлоддан-авлодга етказиб бериш тилнинг миллий-маданий белгисидир. Миллий-маданий хусусиятлар тилнинг ҳамма қатламларида, лексикасида ҳам, грамматикасида ҳам, ҳатто фонетикасида ҳам мавжуд. Бироқ миллий-маданий белгилар тилнинг ҳаракатдаги бирликларида жуда аниқ намоён бўлади. Бундай тил бирликлари сўзлар, фраземалар, паремиялар, мақоллар ва афоризмлардир.

### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1.– Т.: Ўзбекистон, 1996 - 80-б.
2. Ш.М.Мирзиёев «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони/ Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. № 28.
3. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т. 2002.
4. Красных В.В. Кубрякова Е.С. ва б.лар, Краткий словарь когнитивных терминов, Москва, МГУ, 1996, 59- б.

### Бадий адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. -Тошкент. 1987-2003. 20 томлик.

*Kamolova I. The cultural and national peculiarities of aphorisms in English and Uzbek languages. This article informs about the national and cultural peculiarities of English and Uzbek languages. You can know new aphorisms and information from this article.*

*Камолова И. Соматические и национальные особенности афоризмов на английском и узбекском языках. В этой статье рассказывается о национальных и культурных особенностях английского и узбекского языков. Вы можете узнать новые афоризмы и информацию из этой статьи.*